

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **52-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юриштининг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан ҳоли учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзолаганига баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан ҳоли учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмайди»;

2) **91-модда:** **тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт:

- 1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- 2) тинтув;
- 3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 4) тергов эксперименти;
- 5) шахсни ушлаш;
- 6) ҳимоячидан воз кечиш;
- 7) шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Ушбу модда тўртинчи қисмининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш ушбу Кодексда белгиланган ҳусусиятлар инобатта олинган ҳолда амалга оширилади»;

3) **217-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурилов чорасини қўллаганида шахсга нисбатан қўлланилган процессуал мажбурилов чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт. Ушлаб турилган, қамоққа олинган, уй қамоғига ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг қўчирма нусхаси ишга илова қилинади»;

4) **224-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа:

- 1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;
- 2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;
- 3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;
- 4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;
- 5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

(Давоми 2-бетда).

15 май — Халқаро оила куни

МУҚАДДАС ҚЎРҒОНИМИЗГА ГАРД ЮҚМАСИН



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли резолюциясига биноан, мазкур сана халқаро миқёсда 1994 йилдан бери кенг нишонланади. Бундан кўзланган мақсад жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини оилавий кадриятларга қаратишдан иборат. Сана муносабати билан ҳар йили БМТ Бош котибининг мурожаати эълон қилинади. Бу ўзига хос анъанага айланган.

Оилавий кадриятлар Ўзбекистонда бошқаларга қараганда кўпроқ эъозланади, десак, асло муболага бўлмайди. Халқимиз доимо биринчи ўринга оилани қўйиб келади. Унинг мустаҳкамлиги учун интилади.

Муқаддас қўрғонимизнинг мус-

таҳкамлиги фаолиятимиз ривожига ҳам катта ўрин тутди. Чунки у тинч бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади, янгидан-янги гоёлар туғилиб, уларни амалга оширишга куч ва ҳафсала ортади. Ташаббускор бўламиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳам оилаларни мустаҳкамлаш йўналишида қатор ишлар олиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, карантин даврида комиссия томонидан аёлларга бўлган эътибор кучайтирилди. Негаки, оилادا аёл ҳимояланган бўлса, муқаддас қўрғон тинч бўлади. Шу жиҳатдан ҳозирги синовли даврда Ўзбекистон ўз аёлларини безътибор қолдирмади. Хусусан, зўравонликка учраган аёлларга “ҳимоя ордерлари” расмийлаштириб берилди.



3

БИЗ ва ЖАҲОН

Ўзбекистон — Малайзия:

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

14 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ва Малайзия парламенти вакиллик палатаси Спикери ўринбосари Моҳд Рашид бин Ҳасан ўртасида онлайн форматда музокаралар бўлиб ўтди. Сўхбат Малайзия томони ташаббуси билан ташкил этилди.

Акмал Саидов таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёдаги асосий ва узоқ муддатли ҳамкорлардан бири ҳисобланган Малайзия билан ҳар томонлама фаол ҳамда самарали мулоқотни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Томонлар ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар доирасида қўллаб-қувватлаш, фойдали савдо-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гумани-

тар алоқаларни йўлга қўйиш натижалари ҳақида фикр алмашидлар. Ўзаро манфаатларга асосланган кенг қўламли масалалар бўйича парламентларaro ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдиришди.

Бу борадаги муносабатларни янада чуқурлаштириш катта аҳамий касб этиши таъкидланди. Зеро, бу барча йўналишдаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш учун халқ-

аро шартномаларни қисқа муддатларда ратификация қилишда муҳим роль ўйнайди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда иштирок этиш учун 2019 йилда Спикер ўринбосари раҳбарлигидаги Малайзия парламенти делегацияси мамлакатимизга ташриф буюргани алоҳида қайд этиб ўтилди.

Онлайн музокаралар чоғида Ўзбекистон томони Малайзия парламентидаги “Малайзия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи фаолиятини эътироф этди.



3

Юртнинг фидойи фарзандлари

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАШ БРЕНДАГ, БИЗНЕС ЮРИТИШ ТРЕНДАГ ЧИҚАДИ

Замонамиз қаҳрамонлари. Улар кимлар? Қандай фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради? Бугун қайси тоифадаги кишиларни қаҳрамонлар сафига эътироф этиш мумкин? Аслида, уларни узоқдан излашга ҳожат йўқ...



“Ромитан туманида иш излаб Россия ё Қозоғистонга бораётганлар деярли қолмади ҳисоб. Қишлоқ йигитлари кластерда ишлаб, жарак-жарақ пул тоپляпти. Биргина бизнинг ҳудуддан 115 нафар киши "BCT Cluster"да иш билан таъминланди...”

Бундан 2 йил бурун “Қумрабон” МФЙ раиси Қобил Камоловнинг шу гапларини эшитганда, очиги, ишонмагандик. Бунинг учун асосларимиз бор эди-да! Би-лишимизча, тумандаги пахтачиликка их-тиссослаштирилган фермер хўжаликла-рида доимий ишчилар сони 436 нафар бўлиб, уларнинг маоши 450 минг сўмга ҳам етмасди.

Тумандаги 8 минг гектар экин май-дони кластерга берилгач, аҳолининг

4000 нафари ишга қабул қилинибди. Эътиборлиси, мав-сумий ишларга эмас, йил — ўн икки ой меҳнат қилиб, ўртача 2 мил-лион сўмдан ойлик маош олишаётган экан. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кластерда етиштирилган пахта толасини чуқур қайта ишлайдиган Бухородаги тўқимачилик комбинатида яна 1500 киши иш билан таъминланган. Агар бунга тез орада фой-даланишга топширилиши кўзда тутилаё-ган чигитни қайта ишлаш заводида яратиладиган иш ўринларини ҳам қўша-диган бўлсак, кластер қишлоқ жойлар-даги бандлик масаласини таъминлашда

Танзила НОРБОВЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖРОСИ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар кузатилди. Пировардида қўшни давлатлар ҳамда бошқа минтақалардаги мамлакатлар билан алоқалар мустаҳкамланаётгани, изчил ҳамкорлик асосида кўплаб ижобий натижаларга эришилаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Айни чоғда халқаро молия-вий институтлар билан амал-га оширилаётган чора-тадбир-лар туфайли мамлакатимиз-нинг турли соҳаларига хори-жий инвестицияларни жалб этиш ва бу орқали ислохот-ларимизни жадал ривож-лантиришга эришилмоқда. Қатор халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиниб, юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш чо-ралари кўриляпти. Буни БМТ билан муносабатларимиз энги босқичга кўтарилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, мазкур тузилма билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш янгиланаётган Ўзбекистон миллий манфаатлари-га ҳар томонлама уйғундир.

Мамлакатимизда БМТ Бош Ас-самблеяси ҳамда тузилмалари то-монидан қабул қилинган резолю-ция, конвенция, декларация ва ба-ённомалар самарали ижроси бўйи-ча пухта иш олиб борилаётир. Жумладан, БМТнинг Барқарор ри-вожланиш мақсадларига изчил эришиш йўналишида ҳам тизимли тадбирлар йўлга қўйилганлигини мамнуният билан айтмоқчимиз.

БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сон резолюциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси “2030 йилгача бўлган даврда Бар-қарор ривожланиш мақсадлари (БҲРМ) соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш”ни ўз зиммасига олган. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йил-гача бўлган даврда барқарор ри-вожланиш соҳасидаги миллий мақ-сад ва вазифаларни амалга оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори қабул қилинган. Шу ҳуж-жатга асосан, миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйи-ча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари раҳбарлигида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузил-ган бўлиб, ҳозирги пайтда самара-ли фаолият олиб борапти.

Шунингдек, Ҳукумат қарори би-лан тегишли “Йўл харитаси” қабул қилингани ва ҳаётга изчил таъбиқ этилаётганлиги эътиборга молик. Яъни миллий кўрсаткичлар (инди-каторлар) рўйхати тасдиқланиб, улар жаҳон амалиётига мувофиқ янгиланиб келинмоқда.

Бу масала Президентимизнинг ҳам доимий эътиборида бўлиб



2

КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

Ўзбекистонда
2020 йил 14 май
соат 23.00 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони — 2645 нафар,
тузалганлар
2136 нафар,
вафот этганлар 11 нафар.

дунёда
2020 йил 14 май ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони —
4 383 360 нафар,
тузалганлар
1 564 805 нафар,
вафот этганлар
298 295 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

«Халқ сўзи».

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЮЗАГА КЕЛАДИ

Хозирги шароит инсоният ҳар қандай вазиятга тайёр туриши кераклигини кўрсатмоқда. Чунки бугун кузатилаётган пандемия ҳолати туфайли бутун дунё, хусусан, Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам тармоқларда иш фаолияти тўхтаган ёки секинлашган даврни бошдан кечирмоқда. Лекин озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб эса тўхтаган ёки секинлашгани йўқ, аксинча, ошмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги

Шу маънода, кейинги уч йилда юртимизда Президентимиз ташаббуси билан кишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар қанчалик тўғри эканини бугунги кун амалиёти кўрсатиб турибди. Зеро, инсон эҳтиёжлари ичида бирламчиси, бу, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Шунинг учун туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперацияларга бириштириш каби амалий чоралар кўрилади.

Бу орқали биз нафақат маҳаллий бозорларимизни озиқ-

овқат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, балки ҳажон бозорлари талабларига жавоб берадиган рақобатдош кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконига эга бўламиз. Бунинг дастлабки харақати сифатида республика бўйича 55 туман мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Аммо амалга оширилаётган ишлар, кўриладиётган чора-тадбирларга қарамадан ҳудудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган. Чунки кишлоқ ҳўжалигимиз бунга тайёр эмас.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 майдаги “Респуб-

лика ҳудудларини кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Унда кишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иклим шароитларига мос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полиэчилик, картошқачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий маънафатдорлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришининг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш, республика ҳудудларини босқичма-босқич кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини муайян турлари-

ни етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қилиниши керак бўлган ишлар кўрсатиб ўтилган. Ҳудудлардаги ер майдонларида, асосан, пахта ва галла маҳсулотлари етиштирилган. Шунга мос равишда халқимиз ҳам, умуман, кишлоқ ҳўжалиги тармоғидаги мутахассислар ҳам бу ҳолатга мослашиб қолган эди.

Қарорнинг афзал тарафларидан бири — рақобатдош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этишга қаратилганлигида. Мамлакатимизда ер майдонлари сўғориладиган, сўғорилмайдиган (лалми, тоғли) ва чўл ҳудудларига ажратилади. Сўғориладиган ер майдонларимизга нисбатан сўғорилмайдиган ва чўл ҳудудларимиз кўпроқ. Сўғориладиган ерларимизда ҳам шу кунгача пахта ёки қисман галла етиштириб келинган. Хусусан, Жиззах вилояти, деганда кўз олдимизда фақат пахта майдонлари гавдаланган ҳолос. Янги қарорга кўра, вилоятнинг айрим ҳудудларини 2020 — 2022 йилларда кишлоқ ҳўжалиги маҳсу-

лотлари етиштиришга, жумладан, сабзавот, картошқа, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона ҳўжаликларига ихтисослаштириш кўрсатилгани диққатга сазовор.

Ўз навбатида, 2020 — 2022 йилларда боғдорчилик ҳўжаликларидида ташкил қилинадиган ҳар 35 гектар интенсив боғ ва тоқзорларга сув чиқариш учун 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия маблағлари ажратилади. Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 6 миллиард сўм маблағи эвазига 6 дона бўғиллаш машинаси харид қилиниб, Жиззах вилояти фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига бераз ажратилади.

Ушбу вазифалар ижроси таъминлиниши ҳудудларда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича янги истиқболлар очади. Жиззах вилоятининг кўпгина туманларида кишлоқ ҳўжалиги соҳасида кенг имкониятлар юзага келади. Бу ҳудудларда қўшимча иш ўринлари, ердан бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш учун шароит пайдо бўлади.

Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Дунёда транспорт соҳаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириши табиий. Мамлакатимиз мисолида олсак, очиги, бугунги кунда олий таълим муассасаларимизда транспорт тармоғи учун бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифати замон талабларига жавоб бермайди. Шу боис бу тизимни илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, таълим жараёнига ўқитишнинг инновацион услублари ҳамда ахборот технологияларини кенг жорий этиш долзарб аҳамиятга эга.

Акс садо

Айни жиҳатдан келиб чиққанда, Президентимизнинг 2020 йил 4 майдаги “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлди.

Мазкур қарор билан Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида Тошкент давлат транспорт университети ташкил этиладиган бўлди.

Бу яхлит муассаса сифатида транспорт соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича таъин олий таълим муассасаси ҳисобланади. Қолаверса, транспорт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжни қондириши билан ҳам жоятда аҳамиятлидир. Иккинчи томондан, ушбу йўналишда ягона илмий тадқиқот сибсати амалга оширилади.

Янгиликлардан яна бири шуки, университетни стратегик ривожлантириш масалалари бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиб, мазкур лавозимга хорижий мутахассис тайинланадиган бўлди. Бу, ўз навбатида, хорижда амалга ошириладиган илмий тадқиқотларни ўзимизда босқичма-босқич жорий қилиш ва бизда олиб бориладиган ана шундай тадқиқотларни сифат жиҳатидан янада кўтариш, соҳанинг илмий салоҳиятини янада юксалтириш имконини беради.

Шу билан бирга, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 48 та бакалаврият таълим йўналиши ўрнига 18 та янги йўналишда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Қолаверса, илгор халқаро таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ, таълимнинг кредит-

модуль тизими босқичма-босқич жорий этиладиган бўлди.

Ҳар бир факультет қошида олти илмий-тадқиқот лабораторияси очилиб, улар транспорт соҳасининг реал муаммолари ечимига қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириши ҳам айни мўддаодир.

Бундан ташқари, Германия тажрибаси ва иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда, ўқув режаларидаги назарий таълим улуши қисқартирилиб, амалий машғулотлар ва малака амалиётлари ҳажмини ошириш назарда тутилмоқда. Ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибаси, яъни талаба-мутахассис тизимини соҳа объектларида қўллаш жорий этилади.

Келгусида соҳавий таълим муассасаларини бириштириш ва қабул параметрларини камида 25 фоизга ошириш эвазига 2020/2021 ўқув йилида талабалар контингенти 13 минг нафардан ошиши кутилган.

Яна бир қулайлик шундаки, янги университет ҳудудида 5 минг ўриндан кам бўлмаган ўқув биноси, янги ахборот-ресурс ўқув маркази ҳамда мавжуд қувватларни кенгайтириш мақсадида янги ҳўжалик биносини қуриш кўзда тутилган.

Соҳадаги ходимларни тенг рағбатлантириш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Давлат бюджети ҳисобидан кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда қўшимча пул туланадиган бўлди.

Қисқаси, мазкур қарор мамлакатимизда транспортнинг барча турини мутаносиб ривожлантириш учун олий маълумотли кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бораида ягона сибсатни ишлаб чиқиш ва олиб боришга хизмат қилади.

Мухиддин КАЛОНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори.

Ўзбекистон — Малайзия: ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Конунчилик палатасида ҳам шу каби гуруҳ ишини йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилаётгани айтиб ўтилди. Мазкур парламент механизми мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклики янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Томонлар “инсон ўлчови”, шу жумладан, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги конструктив ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди.

Мулоқот давомида дунёда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ муаммо ҳам кўриб чиқилди. Томонлар Ўзбекистон ва Малайзияда ушбу глобал таҳдидга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот бердилар. Парламентларнинг ка-

салликка қарши курашиш ва пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларининг бу борада тутган ўрнига тўхталиб ўтилди.

Тарафлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга пандемиянинг салбий таъсир этишига йўл қўймаслик мақсадида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш зарур эканлигига урғу берилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий сибсат кун тартибидидаги долзарб масалалар бўйича фикр алмашилди.

Парламент вакиллари кенг қўламли ҳамкорлиқни фаол ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ўзаро содиқ эканликларини тасдиқлашди.

«Халқ сўзи».

МУҚАДДАС ҚЎРҒОНИМИЗГА ГАРД ЮҚМАСИН



Кўпинча фаолиятимизда “Нима учун ҳимоя ордерлари фақат аёлларга берилади?” деган саволга кўп дуч келамиз. Бу жуда муҳим масала. Сабаби агар заифа ҳисобланган аёл ҳимоячиси бўлмаса, уни, албатта, давлат ҳимояга олади. Ўзравонликка дуч келган аёл унинг ҳуқуқлари ҳимоя остида эканлигини билса, фарзандларига яхши тарбия беради, ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга интилади, уйи саранжом-сарияшга бўлади, оиласида соғлом муҳит шаклланади. Ахир айтишади-ку, қайси оила аёл меҳридан баҳраманд бўлса, ўша хонадонда сувсиз гул унар, деб. Шу боисдан аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш учун “ҳимоя ордерлари” жорий этилди.

Бугунги кунда оилаларни

мустаҳкамлаш кўллаб омиларга боғлиқ. Хусусан, ушбу йўналишда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, замонамиз ёшлари психологиясини ўрганиш асосида оилалар билан ишлаш методикасини такомиллаштириш зарур. Ўз навбатида, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оилалар фаровонлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш керак бўлади. Ўйиборлиси, бу борада кўп ишлар қилинмоқда. Бунда, айниса, оиланинг таълим ва тарбиявий салоҳиятини мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Мен ўз фаолиятимда гендер тенглик тушунчаси нима, деган маънодаги саволларга кўп дуч келаман. Гендер деганда кўпчилик аёлларга нисбатан йўналишни тушуна-

ди. Ундай эмас. Аслида, халқимиз унга аллақачон жавоб бериб бўлган. Менинг 110 ёшга қирган бувим доим “Эр-хотин — қўш ҳўкиз” деб тақоррлайди. Мана шу турмаъно ҳикматда юқоридаги тушунчанинг мазмун-моҳияти мужассам. Яъни эркак ҳам, аёл ҳам оила учун, фарзанд тарбияси учун бирдек масъул. Бу борада уларнинг имконияти ҳам, ҳуқуқлари ҳам тенг. Халқаро оила қуни ҳам бу ҳақиқатни бизга яна бир бор эслатиши билан аҳамиятлидир. Ниятимиз битта — оила аталган муқаддас қўргонимизга асло гард юқмасин!

Нодира ШОТУРСУНОВА, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ишчи гуруҳи аъзоси, сенатор.

ЭЪЛОН

Бугунги кунда мамлакатимиздаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлайдиган нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланган

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

2019/2020 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш (тавсия этиш) жараёнига киришганини маълум қилади.

Бакалаврият ҳамда магистратура битирувчилари тўғрисида ҳудудлар бўйича маълумот

T/p	Таълим йўналишлари (мутахассисликлари)		Битирувчилар сони	шу жумладан, аёллар	шу жумладан										Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони																									
	коди	номи			грант	шу жумладан, аёллар	шартнома	шу жумладан, аёллар	Қорақалпоғистон Республикаси	шу жумладан, аёллар	Андронон вилояти	шу жумладан, аёллар	Бухоро вилояти	шу жумладан, аёллар	Жиззах вилояти	шу жумладан, аёллар	Қашқадарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Навоий вилояти	шу жумладан, аёллар	Наманган вилояти	шу жумладан, аёллар	Самарқанд вилояти	шу жумладан, аёллар	Сурхондарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Сирдарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Фарғона вилояти	шу жумладан, аёллар	Хоразм вилояти	шу жумладан, аёллар	Тошкент вилояти	шу жумладан, аёллар	Тошкент шаҳри	шу жумладан, аёллар	Бошқа давлат	шу жумладан, аёллар		
ЎадртсУ бўйича жамия:			1043	340	283	123	750	206	11	7	34	16	51	15	21	9	78	21	32	16	43	19	53	16	109	24	25	15	73	16	61	20	219	71	233	74	0	0		
Бакалавр жамия: кундузги, сиртки			999	316	275	117	714	188	11	7	31	16	51	15	20	9	74	18	31	15	41	18	52	16	106	22	22	13	70	15	58	18	211	66	221	67	0	0		
1	5111001	Касб таълими (спорт фаолияти)	28	3	10	1	18	2	2	1	1	1	1	1	1	2	2	1	1	1	3	1	3	1	3	1	1	2	1	5	1	9	1	1	1	1	1			
2	5210200	Психология (спорт)	22	1	8	1	14	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2	1	1	1	2	2	1	1	1	1	1	1	6	5	1	1	1	1	1	1				
3	5610501	Спорт фаолияти (баскетбол)	46	12	10	4	36	8	1	1	1	1	2	1	1	2	2	3	1	4	2	3	1	2	2	1	1	1	15	3	12	2	1	1	1	1				
4	5610502	Спорт фаолияти (бокс)	65	8	11	3	54	5	1	2	1	1	1	4	1	6	2	2	1	2	1	1	1	13	1	1	5	5	1	13	1	12	2	1	1	1	1			
5	5610503	Спорт фаолияти (волейбол)	59	22	20	11	39	1	1	1	1	9	4	4	2	2	2	2	1	2	1	4	12	2	2	1	3	2	1	11	6	7	2	1	1	1				
6	5610504	Спорт фаолияти (велоспорт)	7	3	2	5	3	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
7	5610505	Спорт фаолияти (гимнастика)	62	22	17	8	45	14	1	1	1	1	1	1	1	3	1	1	1	1	5	4	10	4	1	2	1	5	2	15	3	18	6	1	1	1	1			
8	5610506	Спорт фаолияти (сузиш)	20	5	6	3	14	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	1	1	4	1	3	1	7	2	1	1	1	1			
9	5610507	Спорт фаолияти (ағлиа)	89	50	19	16	70	34	1	1	4	2	1	2	2	9	4	3	3	3	2	4	3	6	3	1	1	17	5	5	5	19	12	15	9	1	1			
10	5610508	Спорт фаолияти (гандбол)	47	18	16	7	31	11	1	1	2	2	5	2	1	4	1	3	3	3	1	2	3	12	1	1	1	1	2	1	9	5	3	2	1	1	1			
11	5610509	Спорт фаолияти (қиличбозлик)	14	4	6	4	8	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
12	5610510	Спорт фаолияти (оғир ағлиа)	32	3	4	1	18	2	1	6	1	2	1	1	1	1	1	2	1	2	1	1	2	2	1	1	1	4	1	7	1	3	1	1	1	1	1			
13	5610511	Спорт фаолияти (эшак эшиш)	17	4	7	2	10	2	2	1	1	1	1	1	2	2	1	1	1	1	1	3	1	2	1	4	3	1	6	5	3	2	1	1	1	1	1			
14	5610512	Спорт фаолияти (теннис)	30	13	7	5	23	8	2	2	4	1	19	4	1	28	5	5	1	4	1	10	2	19	1	2	1	4	6	5	50	7	52	3	1	1	1			
15	5610513	Спорт фаолияти (футбол)	206	23	58	3	148	20	2	2	4	1	19	4	1	1	28	5	5	1	4	1	10	6	3	3	5													
16	5610514	Спорт фаолияти (бадий гимнастика)	69	69	23	23	46	46	2	2	3	3	2	2	2	6	6	1	1	4	4	6	6	3	3	5	5	3	3	4	4	12	12	18	18	1	1			
17	5610515	Спорт фаолияти (дзюдо)	48	13	11	8	37	5	1	1	2	1	2	1	1	7	5	3	1	1	1	1	4	1	1	1	3	1	4	4	12	1	10	4	1	1				
18	5610516	Спорт фаолияти (эркин ва юнон-рум кураши)	38	1	10	1	28	1	1	1	2	1	2	1	1	1	1	1	1	1	5	1	1	1	1	1	3	3	12	1	9	1	1	1	1	1				
19	5610517	Спорт фаолияти (белбоғли кураш)	25	11	7	5	18	6	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	2	5	3	1	2	1	1	1	7	1	2	4	3	2	2	1	1	1				
20	5610518	Спорт фаолияти (таэквондо)	25	10	8	6	17	4	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	5	3	1	2	1	1	1	6	1	4	3	7	2	1	1	1	1				
21	5610519	Спорт фаолияти (самбо)	11	1	4	1	7	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	1	2	1	1	1	1	1	1			
22	5610520	Спорт фаолияти (кураш)	31	16	7	4	24	12	2	1	3	2	2	1	1	2	2	2	2	2	2	2	10	4	4	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		
23	5610536	Спорт фаолияти (синхрон сузиш)	2	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
24	5610537	Спорт фаолияти (бадминтон)	4	1	2	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
25	5610538	Спорт фаолияти (юнон-рум кураши)	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
Магистратура жамия:			44	24	8	6	36	18	0	0	3	0	0	0	1	0	4	3	1	1	2	1	1	0	3	2	3	2	3	1	3	2	8	5	12	7	0	0		
1	5A610501	Спорт фаолияти (спорт турлари бўйича)	35	20	6	5	29	15	1	1	2	1	1	1	1	2	2	1	1	2	1	1	3	2	2	1	2	1	2	2	8	5	10	5	1	1	1	1		
2	5A610502	Жисмоний тарбия ва спорт менежменти	9	4	2	1	7	3	1	1	1	1	1	1	1	1	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАШ БРЕНДГА, БИЗНЕС ЮРИТИШ ТРЕНДГА ЧИҚАДИ



— Сўнгги уч йилликдаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлган маҳсулот етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг санжирсимон усули, биринчи навбатда, қишлоқ одамларининг ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Таниқли тадбиркорнинг айтишича, бунга қишлоқ ҳўжалигини саноатлаштириш орқали тезроқ эришши мумкин. Сабаби аграр тармоқнинг ўзидан юқори даромад

олишининг имкони йўқ. Хусусан, пахтачиликда қўшимча қиймат ишлаб чиқаришининг якуний босқичида яратилади. Шунинг учун у фермерлар билан шартнома имзолаб, тайёр хом ашёни қабул қилишга асосланган осон йўлни танламади. Пахта етиштиришни ҳам, уни қайта ишлашни ҳам бир тизим — кластерга жамлаб, олинган фойданин маълум қисмини иштирокчилар ўртасида тақсимлашни йўлга қўйди. Бундан далада меҳнат қилган деҳқону сувчидан тортиб, менежергача ўз улушини олаётгани эътиборга моликдир.



«Бизга ҳавас билан қарашади»

Қизик, нега айрим мамлакатлар бой бўлса, бошқалари камбағал? Бир гуруҳ олимлар ер ости бойликлари кўп минтақадаги мамлакатлар бой бўлади, деб ҳисоблайди. Аммо бугун иқтисодиётни ҳаммадан илгарилаб кетаётган Сингапур, Япония, Жанубий Корея, Хитой ер усти ёки ер ости бойликларининг кони эмас-ку?!

Бошқаларнинг наздида, қадимдан цивилизация маркази бўлган, бой маданий-илмий меросга эга чиққан давлатлар нисбатан тез ривожланади. Шундай бўлган тақдирда, айрим кичик мамлакатлар жаҳон бозори "дарвозаси"га ҳам яқин келмаслиги керак эди. Худди шунингдек, уммон ва денгизлардан узоқ бўлиш ҳам тараққиётга ров бўлолмайди. Гап бошқа жойда. Қаердаки, иқтисодий ислохотларнинг энг мақбул йўли танланиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тўғриси йўлга қўйилса, ўша давлат ривожланади, албатта, бой бўлади.

Шавкат Мирзиёев миллият етакчиси сифатида бугунги давр нафасини теран ҳис қилиб, Ўзбекистонни тараққиёт ўзанига йўналтириб юборди.

Дунё кўрган йирик инвестор Муртазо Раҳматов шундай мулоҳаза қилади. У сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар янги ланаётган Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яратиб, иқтисодиёт тармоқлари ривожидан янги даврни бошлаб берганини таъкидлайди.

— Яқин истиқболда Ўзбекистонда яшаш брендга, бизнес юритиш эса трендга чиқади, — дейди М. Раҳматов. — Бугун кўпчилик бу америкалик, бу қувайтлик, деб уларга ҳавас билан қараётган бўлса, яқин 5-6 йил ичида бу киши Ўзбекистонлик, дея ўзгача ҳурмат билан тилга олади, бизга ҳавас қила бошлайди. Мен бунга ишонаман. Ўзбекистон — ўта бой мамлакат. Бу заминда Менделеев даврий jadвалидагидеяри барча маъданлар бор. Бирок энг катта бойлиги унинг соҳаватли қўёши, унумдор ери, фидойи ва меҳнаткаш одамларидир.

Хориқлик тадбиркорлар билан сўхбатларда ҳозир Ўзбекистонга инвестиция қилишнинг айнаи фурсати, кейин кеч бўлишини кўп айтмаган. Нунки иқтисодиёт тармоқларида инвестицияга чанқоқлик бор. Бевоиста давлат раҳбари тадбиркорлиқни ривожлантириш, ай-

Жарқўрғон туманининг олис Янгйобод маҳалласида ўтган йили ишга туширилган цемент заводи қаҳрамонимизнинг навбатдаги инвестициявий лойиҳаси бўлди. Мазкур корхона барпо этилгунга қадар бу ерлар кўримсиз яйдоқ жой бўлиб, қум уюмлари, яккам-дуқкам чўл ўсимликлари айтмаганда, тап-тақир кенглик эди, холос. Лойиҳавий қиймати қарийб 144 миллион АҚШ долларига тенг "Сурхонцементинвест" хорижий корхонаси қурилиши билан худуд манзараси буткул ўзгарди.

Улкан ишлаб чиқариш мажмуаси 84,1 гектар майдонга ўзгача жозоба бағишлади. Энг муҳим жиҳати, 700 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланиб, доимий даромад манбаига эга бўлди.

Соҳа мутахассисларининг эътирофи этишича, бу корхонанинг афзалликлари кўп. У Австрия, Германия, Италия, Россия ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги русумдаги технологик линиялар ва ресурс тежамкор ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, "қуруқ усулда" цемент ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган. Бу жараёнда табиий газдан эмас, балки кўмирдан фойдаланилади. Мавжуд технологик линиялар тўлиқ қувватга чиқарилган, йилга 1,2 миллион тонна юқори сифатли муҳим қурилиш материални етказиб берилади. Унинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

■ Эфром ГУРМАН, "Vetvets" (АҚШ) компанияси раҳбари, академик:

— Ўзбекистонда пахтачилик ва энгил саноат ривожланган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва экспорт ҳажминини кўпайтиришда катта улушга эга бўлган ушбу соҳалар иштиқболини эндиликда кластерлар белгилаб беради. Бунга юртимизга бир неча бор таширифим доамиди Бухородаги "ВСТ Cluster" пахта-тўқимачилик кластери, хусусан, унинг толаши чуқур қайта ишлаб, жинси шимлар ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган тўқимачилик комбинати фаолияти билан яқиндан танишиб, шундай хулосага келганман. Қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам кластерлар ташкил этишга жиддий эътибор қаратилаётгани эса алоҳида диққатга сазовор.

Ҳамма бой бўлиш, тўқис ҳаёт кечирिशга ҳақли

Тадбиркор қайси соҳа бўлмасин, унинг ривожини, истиқболини кластер усулида кўради. Масалан, айни пайтда Тошкент вилоятида 12 минг бош қорамол парваришлаганга мўлжалланган замонавий чорвачилик мажмуасини бунёд этишга киришилган бўлиб, бу ерда етиштирилган гўшт ва сўт кластер усулида чуқур қайта ишланади.

Бундан ташқари, пахта хом ашёсини Бухородаги сингари туманининг ўзига чуқур қайта ишлаш лойиҳаси ҳаракатга туширилган. Агар Бухорода жаҳон брендлари даражасида экспортроп жинси шимлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, бу ерда пахмоқ матолар, сочликлар, дастурхон ва парда учун сифатта эга болалар гигиена маҳсулотлари тайёрлаш кўзда тутилган.

Кластернинг айни пайтда ижро учун тайёр бўлган 10 дан зиёд инвестициявий лойиҳалари билан танишар экансиз, уларни бир-бири билан боғлаб турган бир жиҳат эътиборингизни тортмай қолмайди. Бу қишлоқ аҳолисига муносиб меҳ-

нат шароити яратиб бериш, уларнинг даромадини кўпайтириш орқали турмуш фаровонлигига эришишдир. Зеро, тадбиркор қишлоқлари обод қилиш борасида илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқариш, дала меҳнаткашларига муносиб шароит яратиб беришга интилади. Бунинг амалий тасдиғига Ромитанга йўли тушганлар озми-кўпми гувоҳ бўлишган.

Гап шундаки, даланнинг қоқ ўртасида қўш қаватли дала шипонини бунёд этилган бўлиб, ичкарига кирсангиз, ўзингизни кўп юлдузли меҳмонхонадагидай ҳис қилишингиз аниқ. Чунки бу ерда ишчилар на-факат дам олишни, балки маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит мўҳайё этилган. Аёллар ва

эркақлар учун замонавий кондиционерлар билан жиҳозланган алоҳида-алоҳида ётоқхона, ювинши хоналари, шунингдек, мажлислар зали, кутубхона, бир пайтда 150 кишини қабул қила оладиган ошхона — буларнинг барчаси кластер ишчи-хизматчилари учун.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Дала шипонини мева-сабзавот етиштириш учун мўъжаз экан майдонига эга, чорва моллари, парранда боқиси учун қатъият иморатлар солинган. Ҳатто танدير ва ўчоқ қурилган...

Инвестор "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасидаги бунёдкорлик ишларини кластерлар амалга ошириши керак, деб ҳисоблайди. Кластерлар қрошида бунёд этмоқчи бўлган тураржойлар ҳақида фикрларини эшитган кишининг қўли дили очилиб кетади. Унинг фикрича, уйларни шунчаки қуриб бўлмайди. Айниқса, қишлоқ туманларида. Бунда миллий менталитетимиз, ўзбекча ҳаёт тарзими, албатта, инобатга олиниши зарур. Ойладаги болалар сони ва ёшига қараб, "хонадон ичда хонадон" та-моили буйича қўшимча шароит яратилиш мумкин. Мисол учун, ҳар бир хонадонни икки қаватли майдонга жойлаштириб, биринчи қаватда меҳмонхона, ошхона ва ювинши хоналари бўлса, иккинчи қавати ётоқхоналар учун ажратилади. Бундай шарт-шароитга эга уйларда бемалол меҳмон қутиш, келин тушириш мумкин.



Тадбиркорлар олими, олимлар тадбиркори

Муртазо Раҳматовни яқиндан билганлар уни худди шундай таърифлашади: тадбиркорлар олими, олимлар тадбиркори. Негаки, иқтисодиёт фанлари доктори назария ва амалиётни уйғунлиқда олиб бораётган кам сонли ишбилармонлар сирасига киради. Не ажаби, унинг "Қорхоналар фойдаси ва унинг тақсимланиши" мавзусидаги номзодлик илмий ишида илгари сурилган гоялар бугун кластерда тўла-тўқис ўз инъикосини топди. Буни у Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берган ислохотларнинг янги босқичи билан боғлайди.



Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон дунёга очилди. Тадбиркорлар, инвесторлар дарди тингиллаб, бизнес юритиш учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва эркинлик яратилди. Аҳамиятисини, бу жараён изчил давом этирилиб, бизнес юритишда дуч келинаётган гоялар босқичма-босқич олиб ташланмоқда.

Яширишининг ҳожаати йўқ, ишбилармонлар "югур-югур"лардан чарчаганди. Идорама-идора юришдан эса зада бўлиб кетгани ҳам бор гап. Ана шундай мураккаб бир пайтда Президент этиб сайланган Шавкат Мирзиёев янгилаштирилган иқтисодий ислохотларни либерallasштиришдан бошлади. Жўмладан, тадбиркорларга эркинлик бериш, уларнинг ишига ҳудда-беҳуда аралашмасдан, ақсинча, ёрдамлаштириш, ростмана қўлай ишбилармонлик муҳити яратилишга киришди. Бу эса чет эллик инвесторларда Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш уйғотган бўлса, ўз бизнесини хорижда юритаётган юртдошларимизда ислохотларга дахлдорлик ҳиссини янада кучайтирди. Натияжада улар Ватанга қайтиб, йирик лойиҳалар ихросига киришиб кетишди.

Муртазо Раҳматов иқтисодий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган ана шундай фидойи юрт фарзандларидан биридир. У дастлаб Бухоро вилоятида "ВСТ Cluster" пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйган бўлса, орадан бир йил ўтиб, аниқроғи, 2018 йилда Куйи Чирчиқ туманида "ТСТ Cluster"ни ташкил этди. Бугунги кунда иккала кластер жамоаси аъзоларининг сафи 12 минг кишига етди.

Ишонасизми, дастлабки кезларда Куйи Чирчиқда механизатор топилмагани туфайли Сирдарёдан ишчилар жалб қилишга мажбур бўлинган. Эндиликда кластер машина-трактор паркидаги 2500 дан ортқ қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва агрегатларини маҳалла йигитлари бошқаряпти. Хусусан, 25 та пахта териш машинасини ҳам.

— Туркияда "Кейс" техникаларини ҳайдаётган эдим, — дейди оператор Руслан Файзулин. — Кластерга шу русумдаги пахта териш машинаси олиб келиниб, операторларга яхши ҳақ бе-

ўлароқ, Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария, Бельгия, Япония сингари давлатларнинг дунёда етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг илгор ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган, ўзида йигирув, бўяш, тўқимачилик, матога ишлов бериш ва тикувчилик фабрикаларини биравлаштирган замонавий мажмуани бунёд этишга муваффақ бўлди. Мазкур йирик корхона жамоаси орасида 15 га яқин фан номзодлари ва докторлари, академик борлиги, шунингдек, илмга ташна ёшлар меҳнат қилаётгани муваффақият эшикларини очмоқда.

Бу йил халқимиз учун огир келди. Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган глобал инкироз таъсири Ўзбекистонда ҳам сезилмоқда. Давлатимиз томонидан ҳозирги мураккаб шароитда иқтисодиёт тармоқларига қўшимча энгилликлар бериш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун барча чора-тадбирлар ишга солинмоқда.

Тадбиркор бугунги синови кунларда халқ, миллият тақдирига ҳеч ким бефарқ бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Шу боис у қарантин пайтида эхтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ҳомийлик хайриятларини мувофиқлаштириш марказларида 300 миллион сўм ҳомийлик маблағи ўтказиб берди. Бундан ташқари, ихтиёрий равишда кластерлар ишчи-ҳодимлари иш ҳақларининг бир қисми, жами 490 миллион сўм микдориди маблағ "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик"

жамоат фондида бегараз йўналтирилди. — Президентимиз ташаббуси билан "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ташкил этилгани, айтиш жоизки, халқимизнинг меҳр-саховат, ҳиймат қай юксак фазилатларини жўш удирмоқда, — дейди сенатор Муртазо Раҳматов. — Бу ҳаракат, айниқса, давлатимизнинг бекйёс ғамхўрлигини чуқур ҳис қилиб турган биз, кластерлар раҳбарларини ҳам эхтиёжманд ва муҳтож оилаларга саховат кўрсатишга ундамоқда. Натияжада бизнинг кластерлар жамоаси ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 1025 та оилани уч ой да-

Бахт ва фаровонлик кластери

вомида оталиққа олиш ташаббуси билан чиқди.

Айни пайтда Бухоро вилояти ҳокимлиги кўмағида кам таъминланган оилалар рўйхати шакллантирилиб, маъзилли ёрдам кўрсатиш ишлари давом эттирилмоқда. Бизнинг халқини рози қилиш йўлидаги хизматимиз эҳтимолики, денгиздан бир томчидек туюлар. Лекин унутмайликки, океан ҳам томчилардан ҳосил бўлади.

Ишонч билан айтмайми, Яратганнинг мадади, мамлакатимиз раҳбариятининг қатъий сазй-ҳаракатлари билан, албатта, коронавирус балосини энгамиш, Сирдарё ва Бухорода юз берган офатлар оқибатларини бартараф этиб, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларига, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигига эришамиз.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



■ Паррандачилик

Президентимизнинг жорий йил 7 майдаги "Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди.

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНΙΑТИ ЯНАДА ОСОНЛАШДИ

Хусусан, эндиликда парранда маҳсулотлари хорижга автомобиль ёки ҳаво транспорти орқали экспорт қилинганда транспорт харажатлари 50 фоизгача Давлат бюджетидан қопланади. Бунинг учун субсидия ажратилади. Эътиборлиси, бундай амалиёт ён қўшимиз — Афғонистон Республикасига сотилганда ҳам қўланилади. Бу беҳиз эмас. Чунки Афғонистон юртимиздан парранда гўшти импорти бўйича етакчи улушга эга. Масалан, ўтган йили мамлакатимизда етиштирилган паррандачилик маҳсулотларининг 79, туҳумининг 96,1 фоизини ушбу давлат харид қилган. Жорий йилнинг биринчи қоригада эса мазкур кўрсаткич юз фоизга етди.

Қайд этиш керакки, паррандачилик маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш давлатимизнинг доимий эътиборидаги масаладир. Хусусан, 2019 йил 24 майда Президентимиз томонидан "Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, туҳум экспортда темир йўл транспортда ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотларни 50 фоизгача микдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми жорий қилинган бўлса, шу йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига экспорт қилишда темир йўл транспортда ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати туҳум, парранда гўшти ва паррандачилик маҳсулотлари билан тўлдирилди.

Яратилаётган бу каби қўлайликлар ташқи савдо ҳажминини оширишга хизмат қилияпти. Парранда гўшти йўналишида 2017 йилда 23 тонна маҳсулот четга сотилгани, 2019 йилда келиб эса унинг ҳажми 175,8 тоннага етгани фикримиз тасдиғидир. Жорий йилнинг уч ойида паррандачилик корхоналари томонидан 44,4 минг АҚШ долларликл парранда гўшти, 851,2 минг долларлик туҳум хориж бозорларига етказиб берилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда қарантин шароитида ҳам иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, паррандачилик корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун тегишли чоралар кўрилатгани диққатга сазовор. Бу борадаги ишлар ривожига эса қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Яшин АБДУРАЗЗОҚОВ, «Паррандасаноат» уюмчаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мазкур қўмита раиси ўринбосари Носирбек Абдуллахановга фарзанди

СаодатХОНнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзинжининг" Республика лойиҳа институти жамоаси институт директори Тимур Ураззевга отаси Рустам УРАЗЗЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Матбўтчилик кўчаси, 32-йў.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6